

НИЗОМИЙ АРУЗИЙ САМАРҚАНДИЙ ВА УНИНГ ЎРТА АСР ФАЛСАФИЙ ФИКРИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Жаҳонгир Усманов, *катта ўқитувчи*

*Тошкент кимё технология институти Янгиер филиали, Янгиер шаҳри,
Ўзбекистон*

Аннотация. Мақолада ўрта асрларда фаолият юритган, Самарқандда туғилган Низомий Арузий Самарқандийнинг ҳаёт йўли ва илм-фанга қўшган ҳиссаси қисқача баён этилган. Унинг ўзига хос фалсафий, ахлоқий, бадиий-эстетик қарашлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Арузий, “Мажмаъ-ан-наводир”, ижтимоий сиёсат, ахлоқ категориялари, Шарқ Машшоиййунлари.

НИЗАМИ АРУЗИ САМАРҚАНДИ И ЕГО ВКЛАД, ВНЕСЁННЫЙ В ФИЛОСОФСКУЮ МЫСЛЬ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ

Джаҳонгир Усманов, *стариший преподаватель*

*Янгиерский филиал Ташкентского химико-технологического
института, город Янгиер, Узбекистан*

Аннотация. В статье кратко изложены жизненный путь родившегося в Самарканде, творившего в средние века Низами Арузи Самарканди и его вклад в науку. Проанализированы его философские, нравственные, художественно-эстетические взгляды.

Ключевые слова: Арузи, “Собрание редкостей”, социальная политика, нравственные категории, восточные перипатетики.

NIZAMI ARUZI SAMARQANDI AND HIS CONTRIBUTION TO THE PHILOSOPHICAL THOUGHT OF THE MIDDLE AGES

Jahongir Usmanov, *Senior Lecturer*

*Yangier Branch of Tashkent Institute of Chemical Technology, Yangier city,
Uzbekistan*

Abstract. The article summarizes the life path of Nizami Aruzi Samarqandi, who was born in Samarkand and worked in the Middle Ages, and his contribution to science. His philosophical, moral, artistic and aesthetic views are analyzed.

Keywords: Aruzi, “Collection of Rarities”, social policy, moral categories, Oriental peripatetics.

Маълумки, Низомий Арузийнинг “Мажмаъ-ан-наводир” асари бизгача етиб келган унинг ягона асаридир. Бу асарда фикр юритиш усули, унинг тизимли ва изчил мантиқий тафаккур юритиш ва биз учун, яъни ҳозирги замон одами учун энг муҳими, ўз давридан олдинга ўзиб кетган илғор, эркин фикрли ва замонавий тафаккур усули, ўша ўрта асрлар ҳаёти учун тамомила табиий бўлган диний-мистик хурофотлардан, ғайри илмийликдан озод ижодий, танқидий таҳлил юрита олганлигини кўриш мумкин.

А.Н.Болдырев “Мажмаъ ан-наводир”нинг русча нашрига муухаррирлик қилиб, сўзбошини ёзган [1, с.3-22]. А.Н.Болдыревнинг хулосалари Арузий ҳаёти, мероси ва дунёқарашига оид шарқшунослик, манбашунослик фанлари ХХ асрнинг 60-йилларигача бериши мумкин бўлган натижалар, ютуқларни акс эттирди. Низомий Арузий ҳаёти, илмий-фалсафий мероси, фаолияти, шу жумладан, унинг таржимаи ҳолини ўрганиш бўйича Россия, Марказий Осиё, Кавказ, Эрон ҳамда айрим Ғарб мамлакатлари шарқшунослари, манбашунослари шуғулланишган.

Арузийнинг асардаги ўз сўзларига қараб фикр юритсак, у 1110-1116 йилларда Ғур - Бомийонда Бовандийлар-Шансабийларнинг “Малик-ул-Жибол” ҳузурида хизматда бўлган. “Малик-ул-Жибол” мажлисларининг бирида экспромт шеър айтиб, ғолиб келганлиги, таҳсинга, ҳатто Варсаддаги мис конининг етмиш кунлик даромадини олишга муяссар бўлганда, у 25-30 ёш атрофида бўлган. Арузий аввалги 25-30-йиллик умрини ўз ватани

Самарқандда туғилиб, таълим ва тарбия олиб, вояга етган, бадийят илми назариясини мукамал эгаллаган. А.Н.Болдыревнинг фикрига кўра, Арузий 1088-йилда Самарқандда туғилган.

Арузий 1111-1113-йилларда Султон Санжар кўшинига эргашиб, эҳтимол Муъиззий назарига тушишни қасд қилиб, Балх, Ҳирот минтақасига бориб қолган. Ўз асарида у: “Менга “Сарах” таҳаллусли устозим Шайх-ул-имом Абу Жаъфар ибн Муҳаммад Абу Са’ад ан-Нажавий, Шайх-ул-имом Муҳаммад ибн Оқил ал-Қазвинийдан, у эса Амир Фаҳр-уд-давла Бакалажир ал-Бувайҳийдан ... ҳақида ҳикоя қилиб берган эди” [4, с.127], деб ёзган. Демак, Арузийнинг устози Абу Жаъфар ибн Муҳаммад Абу Са’ад ан-Нашавий ас-Сарах бўлган. “Нашавий” нисбасига қарасак, бу аслида Низом-ул-мулк “Сиёсатнома”сида тилга олиб ўтган Рай, Оба, Қум, Кошон, Табаристон минтақаларига яқин, аниқроғи, Рай шаҳри туманларидан бири “Нишобия” [6, с.193] номини хаттотлар қўлёзма кўчирганда бузилиб кетиб, “Нашавий”га айланган бўлиши эҳтимолга яқин бўлиб чиқади. Мазкур минтақа Ший’а Бувайҳийларнинг келиб чиққан жойи, ўлкасидир. Нашавий ший’алар таъқиб қилинганда, Самарқандга бориб қолган, у ерда Арузий унга шогирд тушган, кейинчалик эса Қорахоний ший’аларга қарши таъқибидан қочиб ва Муъиззий ҳузурида паноҳ топиш учун Ҳиротга устози билан бориб қолган, деб хулоса қилиш мумкин бўлади.

Арузий асарининг бошидан-охиригача пардаланган тарзда ший’аларга, улар тимсолида қадимги Эрон Сосонийлари давлати, уларнинг давлатчилик анъаналари, идора ва бошқарув усулига, шу жумладан, илм-фани, маданият, фалсафаси, бадийятига ҳайрихоҳлик, бу айниқса Рудакий, Фирдавсий, Соҳиб ибн Аббод кабилар мисолида яққол кўзга ташланиши, сезилиб туриши ҳам Арузийнинг Ғур-Бомийон Шансабийлар саройига бориб қолиши, оҳир-оқибатда ҳурмат-эътибор, таъминот топиб, бир умрга ўша минтақада яшаб қолганлигига сабаб бўлганлигини ишонарли тасдиқлайди.

Манбавий далиллар асосида айтиш мумкинки, Арузий ший'алар муҳитига яқин бўлган. А.Зоҳидий нафақат Арузий, балки Фаробий ҳам, “Ихвон-ул-Сафо”чиларнинг, Ибн Синонинг, ҳатто уларнинг маслақдош-издошларининг ший'а муҳитига яқин бўлган бўлиши мумкинлигини ёзади [3, с.260-263]. 1112-1113-йилда Арузийнинг Умар Ҳайём, Исфизорий билан Балхда илк бор учрашиб, уларга хизмат қилиб, суҳбатларида иштирок этишга муяссар бўлган. “Беш юз олтинчи хижрий йилда Балхда, Қулфурушлар кўчасида Амир Са'ад Жаррнинг уйида Ҳожа Имом Умар Ҳайём ва Ҳожа Имом Музаффарлар тўхтаб ўтдилар, мен эса уларга хизмат қиладиган мулозимлар сафига қўшилдим” [4, с.97].

Демак, Арузий 1111-1115-йилларда Балх, Ҳирот, Тус минтақаларида ўтказганидан, сўнг 1116/17 йили “Малик-ул-Жибол”саройига олиб кирилган ва юқорида айтиб ўтилган Мушоирада қатнашиб, ютиб чиққан ва Варсад тоғларидаги мис конининг етмиш кунлик даромадини мукофот сифатида олишга бўлган ҳақи билан тақдирланган. Бироқ, кейинчалик, 1118-1122 йиллар оралиғида оиласи, қизи билан яна Балх, Ҳирот, Ғазнин, Нишопур минтақаларида сарсонгарчилик ва машаққатларда кун кечирган.

Бошқа бир ўринда “Беш юз ўн тўртинчи (1120/21) хижрийда Нишопурда мен (шоирлар) Амири Муъиззийдан эшитганимга қараганида...” [4, с.82-83], - деб ёзилган қайдлар Арузийнинг Султон Санжар ўрдуси Ҳирот, Нишопурда тўхтаган онларида унинг Муъиззий атрофида тўпланган шоирлар, нодимлар даврасида бўлганлигини кўрсатади.

Шундан ўн йил ўтгандан сўнг, 1146-йили Аълоуддин Хусайн “Малик-ул-Жибол” деб эътироф этиб, Шансабийлар тахтга ўтирганда, Низомий Арузий аъёнлар орасида бўлган. Шунингдек, 1150-йилда “Малик-ул-Жибол” ўрнига Шансабийлар сулоласи ҳукмдорлари ўзларини “Султон-ул-Жибол” деб атай бошлаганларида ҳам Арузий аъёнлар орасида эди. 1147-йилдан эътиборан, у (Арузий) Издуддин Ҳасан ва унинг қолган ўғиллари билан қолган

бутун ҳаёти давомида бирга бўлди, унинг неварасига эса ўзининг ягона нодир асари “Мажмаъ-ан-наводир”ни бағишлади.

1156 йил охири – 1157 йил бошларида Арузий ўз китобини ёзиб тугатган ва бу пайтда ёши етмишлардан ошган бўлиб, ўзининг эътирофича, шундан қирқ беш йилини Ғур ва Бомийон Шансабий ҳукмдорлари хизматига бағишлаганлигини айтиб ўтади. Арузий ўзининг Ғур ва Бомийон Шансабийлар сулоласи ҳукмдорлари билан яқинлигини “шу хонадонга хизматда ва шу сулола мулозимлари рўйхатида ёзиб қўйилган”лигини алоҳида таъкидлаб ўтади [4, с.26].

Умуман олганда, Низомий Арузийнинг ҳаёт йўли, фаолияти ва дунёқараши тадрижотини қуйидаги даврларга бўлиб, ажратиб кўрсатиш мумкин:

I-давр. Арузийнинг таваллуди 1088 йилдан 1111 йилгача давом этган **Самарқанд даври**. Бу даврда у оилада, мактабда, мадрасада таълим олиб, Аруз назарияси, яъни бадийят (эстетика) назарияси соҳасида шуҳрат топиб, “Арузий” таҳаллусини олган.

II-давр. 1112-1117 йилларда Ғурда “Малик-ул-жибол” ҳузурида хизматда, ўзи айтганидек, рўшнолик кўриб, ҳурмат-эҳтиром ва таъминотга эга бўлиб, тарбия-кафолатлар олган **Ғур даври**. Бу даврда Арузий мушоирада ютиб чиқиб, Варсад мис қонларидан олинадиган 1 йиллик мукофот билан тақдирланган.

III-давр. 1118-1122 йиллар – Балх, Ҳирот, Ғазнин, Нишопурда қийинчиликда, қашшоқликда яшаган. Салжуқийлар сарой шоири Муъзрийга қасида ёзиб, ўзини ўнглаб олишга интилган, **саргардонликда ўтган давр**.

IV-давр. Шансабийлар хонадонининг Бомийонда ҳукмронлик қилган Аълоуддин Ғурий Жаҳонсўзнинг жияни Фаҳриддин Масъудий ва унинг ўғли Шамсиддин Муҳаммад саройида хизматда бўлган **Бомийон даври**. Бу даврда Арузий Бомийонда кўним топиб, нисбатан тинч, таъминотда ҳаёт кечирган ва ўзининг “Мажмаъ ан-наводир” асарини ёзиб қолдирган.

Унинг илмий мероси ҳақида биз фақат “Мажмаъ ан-наводир” асари асосида сўз юрита олсакда, унинг “Арузий” таҳаллусини олиши тасодиф эмаслиги, бадийят илми назарияси билан жиддий, чуқур шуғулланган, ўша давр мушоираларида ғолиб келиб, бундай таҳаллусни ўзига олганлигини фараз қилса бўлади. У, шунингдек, шоир, надим, воъиз сифатида катта маҳоратга эга бўлганлиги ҳам Арузийнинг, бизгача етиб келмаган бўлсада, анчагина илмий-ижодий мерос қолдирганлигини тасаввур қилиш мумкин. Бу ҳақда Арузийнинг 1152/1153 йилда Ҳиротнинг Ауба дарвозаси ёнида Ғурийлар қўшини қақшатгич зарбага учраб, Арузий эса шаҳарда қочиб, яшириниб юрган пайтлар бир қандай шохидлик беради. Бир покдомон одам хонадонида бўлиб, ўтган суҳбат асносида, Арузийнинг ўз эътироф-таҳминига кўра, мазкур покдомон одам мен ташқарига чиққанимда: “Одамлар бу кишини фақат шоир сифатида биладилар, бироқ шеъриятдан ташқари бу беҳад билимли, ориф одам кўпгина фанларда, илми нужумда ва тиббиётда, расмий ҳужатларни тайёрлашда ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳам ўта билимли инсондир” [4, с.125], - деб таърифлаган эди. Демак, Арузий ўз даврининг анча-мунча юқори олий маълумотли инсон, Аруз, яъни бадийят илми назариясида “Арузий” таҳаллусини олган олим, фанларнинг кўпгина соҳаларидан хабардор, билимдон, амалиётчи эди.

Арузий ўз асарининг бошидан охиригача ижтимоий сиёсат масалаларига катта эътибор бериб, ўзининг бош, асосий вазифаси подшо, юрт ҳукмдорларини мамлакат тинчлиги, юрт осойишталиги, раъиятнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш, турли, давлат, хусусий ва вақф ёрдамларини эътибордан соқит қилмаслик, аҳолига зулм-ситам, айниқса олим, адиб, уламо руҳонийлар, зиёлилар қатламига қилинадиган бедодликларни тўхтатишга чақирган. Унинг ўз асарида намоён этишга уринган баъзи ахлоқий ва бадий-эстетик қарашларига келсак, бунда ҳам у ахлоқнинг ҳукмдор хоҳиш-истагига уйғун бўлиши, мавжуд ҳукмрон ахлоқ талаб, нормалари доирасида бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрларга дуч келамиз.

Аввало, Арузий Арасту, Киндий, Форобий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино, Умар Ҳайёмлар илгари сурган Машшоййун оқими ахлоқий таълимотининг реляцион концепциясига кўра, инсон ахлоқий сифат, ҳислат, қобилиятларнинг ўзгарувчан, нисбий характерини, бунда айниқса жамият, оила ахлоқий тарбиясининг фавқулдда муҳим ўрни, таъсири ва аҳамиятини таъкидлаб ўтади. Бунда ҳам, у Пайғамбар ҳадисларида уқтирилган ахлоқий ўғитга асосан: “Ҳар бир янги туғилган чақалоқ бу дунёга ўз зотининг аслидек покликда туғилади, ва шундан сўнггина ота-оналар уни таълим, тарбия йўли билан ё яҳудий, ё насоро, ва ё мағовонга айлантирадилар” [2, с.213], - деган ақидага риоя қилган. Мана шу ҳадисга Арузий ёрқин мисол ўрнида Киндийни қасд йўли билан ўлдиришга келган Абу Маъшар Балхийнинг Киндий башорати, қатъий азми-иродаси билан қотилнинг қотилликни ташлаб, буюк астроном, мунажжим, машҳур олим бўлиши ҳақидаги ўткир, ибратомуз нодир ҳикоятни келтиради.

Умуман Арасту ва Шарқ Машшоййунлари ахлоқий анъанасида ахлоқнинг бош муаммолари ва категориялари Ҳайр (яхшилик, Эзгулик) ва Шарр (ёмонлик, ёвузлик) бўлсада [7, 120-б.], мазкур категориялар – Ҳайр беқиёс кўпайиб, ортиб бориши ёки камайиб, озайиб бориши, Шаррнинг эса ортиб ёки камайиб боришига жамият, оила тарбияси воситасида қатъий аминлик ғояси илгари сурилган. Бунда энг асосий ролни Инсон Ақли, фаросати, донолиги (ҳикмати) ҳал қилувчи роль ўйнаши, ахлоқнинг бошқа категория ва принципларини айнан ана шу донолик (Ал-ҳикма) категорияси белгилаб беришини Арузий подшо, юрт, халқ ашрафлари мана шу ҳақиқатни – яъни, асл доноликни ўз сиёсатларида байроқ, шиор қилиб олишлари, баланд кўтаришлари, айниқса, бу илм билан шуғулланувчи, таълим-тарбия берувчи олим, зиёлиларни азиз тутишлари лозимлиги, очликда, ночорликда тутмаслиги (1 мақола, 3 ҳикоят), уларни бекорга ва ҳақсиз хафа қилмасликлари лозимлигини (Фирдавсий ҳақида – 2 боб, 9-ҳикоят); уларни асоссиз зиндонбанд қилиб, узоқ вақт азоб-уқубатда кун кўришга маҳкум

этмаслик (2-мақола, 6-ҳикоят); зиёли, шоир, олим, адиб ақлий меҳнатига муносиб ҳақ тўлашлари (II-мақола, 10-ҳикоят) зарурлигини уқдирар экан, буни у давлат асослари, жамият, оила ва кенг омма ахлоқини мустаҳкамловчи асосий омил деган хулосани уқдиради.

Шу маънода Арузий ўз ҳикояларининг кўпчилигида ҳам тарбиявий ўрнак, ибрат ўрнида, ҳам қаттиқ огоҳлантириш, андеша ва писандида ўрнида илм билан шуғулланишда Розий, Беруний, ва айниқса Шайх-ур-Раис Ибн Сино, Умар Ҳайёмларнинг ҳақиқий, асл донолик (ал-Ҳикма) намунаси, илм фидоийлари сифатида насиҳат ва танбеҳот ўрнида таъкидлаб ўтган [5].

Ахлоқнинг иккинчи буюк муаммоси, категорияси Арастучи Машшоййунларга кўра, Адл-инсофга риоя қилиш, зулм йўли, воситаларини (дасти)ни кесишдир. Бу борада ҳам Арузий илм одамларига хос эркин фикрлилик билан ҳатто ўзининг расмий амали – мансаби тақозо этган ахлоқ талаб, меъёрларидаги “Шоҳларга хизмат қилишнинг шартларидан яна бири – тўғрилиқда, ростликда ҳам ва ҳатто ночор ёлғон, уйдирмада ҳам у билан бирга бўлиб, унинг иши ҳақ эканлигини қўллаб-қувватлашдир” [1, с.24] (Беруний ҳақидаги ҳикоятда) принципига қарши бўлиб, Розий, Беруний, Ибн Сино каби илм одамларининг адолатпарварлиги, инсонпарварлиги, ҳукмдорлар, зари зўрлар иродасига қарши борганликларини ёрқин мисолларда кўрсатиб бериш билан чекланмай (Розий, Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайёмга бағишланган ҳикояларда), балки ана шундай илмли, эркин фикрли зотлар дунёқараши, фалсафаси ва ҳаёт йўли сабоқларига ўзининг ҳайрихоҳлигини изчил намоёйиш этган эди[5].

Адабиётлар:

1. Болдырев А.Н. Предисловие // Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или четыре беседы. М.:ИВЛ, 1963.
2. Газали. Избавляющий от заблуждения. М.:Наука, 1960.

3. Захиди А. Проблемы традиционной и нетрадиционной интерпретации онтологических концепций Фараби и Ибн Сины // Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий мақолалар. Т.:ТДШИ, 2010.
4. Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или Четыре беседы. Перев. с персидского С.И.Баевского и З.Н.Ворожейкиной, под ред. А.Н.Болдырева М.: ИВЛ. 1963.
5. Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоялар. Т., 1985.
6. Низом ул-Мулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук). Т.:Янги аср авлоди, 2008.
7. Усманов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. Т.:Ўзбекистон, 1975.